

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пудрат

ШАРТНОМАСИ

2022 йил «1» июль

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вахаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Абдуллаев бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Лойиҳачи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “Нурафшон электр сервис” МЧЖ ва унинг раҳбари Д.Абдужалилов иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Лойиҳачи”: Хўжаобод тумани Сарқамиш МФЙ ҳудудида ичимлик сув тизими қуриш обьекти лойихаолди ва лойиха-смета хужжатлари тайёрлаш ва “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ЛОТ № 22110012108960 обьекти бўйича муаллифлик назоратини ўтказниш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вактида ишларни кабул қилиб олиб, ишлар хаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Лойиҳачи”,“Буюртмачи”томонидан тақдим этилган лойиҳалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни «30 кун» мобайнида ШНК 1.02.09-15 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллади.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Лойиҳачи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан белгиланган

1.5 “Лойиҳачи” “Буюртмачи”нингрухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Лойиҳачи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 “Лойиҳачи”нинг мажбуриятлари:

- “Лойиҳачи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошлангич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”гаҳборотжўнатиш

2.2 “Лойиҳачи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Лойиҳачи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат килиш;

- “Лойиҳачи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

-Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома қиймати **25 000 000 (йигирма беш миллион)** сўм булиб,

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** мөндорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **7 500 000 (етти миллион беш юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

3.2 Қолған **17 500 000 (үн етти миллион беш юз минг)** сўм тўлов 2022 йилда ушбу объект учун бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” “Лойихачи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Лойихачи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Лойихачи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва хисбот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланганди, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолат-номасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнida бир–бирларини ишлар тўхтатилганини ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнida ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкландади.

4.7 Ўзаро хисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5 . Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” ўз вактида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек хисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулади.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Лойихачи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Лойихачи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(боскичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Лойихачи” уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Лойиҳачи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгидиган холатлар (форс-мажор) натижасидә юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мөъёллари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топшириқ) ларга мос келмаса ва иш хажмлари тўлиқ лойиҳа-смета хужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойиҳачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Лойиҳачи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб килишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хакидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнida тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета хужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Лойиҳачи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Лойиҳачи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида” ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, харбий ҳаракатлар ва бошка бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартном бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Лойиҳачи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вактга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнida бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайси шартномани бекор қилинишини талаб килишга хаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Лойиҳачи” учун «форс-мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Кўшимчашартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Лойиҳачи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, “Лойиҳачи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичидаги хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.


8.2 Мазкуршартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома **2022** йил **31** декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андикон туманлараро иктисадий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

10. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
"Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси	"Нурафшон электр сервис" МЧЖ.
Андижон ш. Чинобод кўча 59 уй, Тел: 228-86-69	Андижон ш., Навоийшоҳ 100/102 уй
ШХВ: 301121860034017063201110138 .	Тел.: (+998-99) 994-93-39
СТИР: 305980724;	x/r: 2020 8000 6047 2222 9002
Андижон вилояти Фазначилик бошқармаси	"Invest Finance Bank" АТ Андижон вилояти филиали
Фазна x/r: 23402000300100001010	МФО: 01114
МБ ХККМ Гониқент шаҳар МФО:	СТИР: 300895477
СТИР: 201 123 919	
Бошқарма бўйдиги:  А. Абдуллаев	Рахбар  Д. Абдузалиев
M. X. 	M. X. 

Хукукшунос:

Г. Атаханов

Масъул	Маркетинг	Лойиха	Бош хисобчи	Соҳа бўйича
		